

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ**

04.04.2002 й.

№ 350-П

Хужжатнинг рус тилидаги
матнига қаранг

**РЕФЕРЕНДУМ ЯҚУНЛАРИ ҲАМДА ДАВЛАТ
ҲОКИМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING
АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

- 1-модда. Қонуннинг асосий вазифалари
- 2-модда. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий принциплари
- 3-модда. Ўзбекистон Республикасида сайловларни ўтказиш муддатлари
- 4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- 5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси
- 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати
- 7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ишини ташкил этиш
- 8-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати
- 9-модда. Қонунни қабул қилиш
- 10-модда. Қонунни имзолаш

1-МОДДА. ҚОНУННИING АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ушбу Қонун "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ҳолда 2002 йил 27 январь куни ўтказилган ҳамда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масала бўйича қарор қабул қилган, шунингдек, демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қоидаларни ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишларни белгилайди.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

**2-МОДДА. ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ҲАМДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР**

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, очик демократик давлат барпо этишни ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришни бош мақсад қилиб белгилаган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, шунингдек референдумда билдирилган халқ иродасига асосланган ҳолда қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир ишларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонун устуворлигини, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

нодавлат ноижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, муҳофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

3-МОДДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда - декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади.

4-МОДДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади (бундан буён матнда тегишли равишда Қонунчилик палатаси ва Сенат деб юритилади).

5-МОДДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ

Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади. Депутатлар сайлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан қонунга мувофиқ умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати - беш йил.

6-МОДДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланадилар. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин.

Сенатнинг ваколат муддати - беш йил.

7-МОДДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади. Қонунчилик палатасининг депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари бошқа турдаги ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Сенат иши вақти-вақти билан чақириладиган Сенатнинг ялпи мажлислари ҳамда кўмиталари (комиссиялари) мажлисларидаги сенаторларнинг фаолиятига асосланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ваколатлари ҳамда фаолият кўрсатиш тартиби, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатларининг ва Сенат аъзоларининг мақоми қонунлар билан белгиланади.

8-МОДДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТ МУДДАТИ

Умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати етти йил.

9-МОДДА. ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуллангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган тақдирда юридик кучга эга бўлади.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, бир неча ўқишда кўриб чиқади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун Сенатга юборилади. Сенат қонунни кўриб чиқади ҳамда уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади. Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссиясини тузишлари мумкин. Комиссияда келишувга эришилса, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Бу ҳолда қонун одатдаги тартибда қабул қилинади ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Қонунлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Қонунларни ишлаб чиқиш, киритиш ва муҳокама қилиш тартиботи Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг регламентлари билан тартибга солинади.

10-МОДДА. ҚОНУННИ ИМЗОЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонун ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўттиз кун ичида қонунни имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қайтадан муҳокама қилиш ва овоз беришни ўтказиш учун қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши керак.

Имзоланган қонун қонунда белгиланган тартибда чоп этилиши (эълон қилиниши) керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

